

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Shu aziz VATAN — barchamizniki!



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

2014-yil, 5-avgust. Seshanba 93 (31.840)


Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МУСТАХКАМ ИМОРАТЛАРИ

Касб тақозоси билан хорижий мамлакатларда бўлганимизда «Ўзбекистондан келдик» десак, «О, Самарқанд, Бухоро, Хива — гўзал шаҳарлар!» дея қилинган хитобларни кўп эшитганмиз. Дарҳақиқат, аждодларимиз даҳосидан яратилган гўзал шаҳарлар бугун ҳам дунё аҳлини лол қолдирмоқда. «Оққан дарё оқаверади» деган ҳикматли сўзлар мустақиллик йилларида яна бир бор тасдиғини топди. Халқимиз ўз аждодларига муносиб бўлиб, буюк бунёдкорликларни амалга оширмоқда. Қисқа вақт ичида асрлар давомида қилиниши мумкин бўлган тарихий ишлар бажарилмоқда, республикамизнинг қайси ҳудудига борманг, бунга ишонч ҳосил қиласиз.



Фарғона: Истиқболи Истиқлолдан яралаётган шаҳар

▶ Давоми 3-бетда.

Депутатлик назоратида ИЗЧИЛЛИК

бўлса, электротни ташвишга солаётган масалаларни ҳал этиш юзасидан ҳаётий тақлифлар янада кўпаяди



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгаши ҳамкорлигида пойтахтимизда ижтимоий-сиёсий соҳада олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш, бу борада қабул қилинаётган қонунлар ижроси юзасидан таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.

▶ Давоми 2-бетда.

Барча даражадаги партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси юзасидан депутатлик назоратини тизимли равишда кучайтириб бориши зарур.

Соғлом бола, соғлом келажак

Бугун соғлом болани вояга етказишга ота-оналардан ҳам кўра кўпроқ давлатимиз, Президентимиз гамхўрлик кўрсатаёпти, десам, ҳеч муболага бўлмайди. Бунинг юртимизда соғлиқни сақлаш тизимига катта-катта маблағлар ажратилаётгани, барча вилоятларда она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказларининг фаолият кўрсатаётгани, ҳомиладор аёллар зарур поливитаминлар билан таъминланаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай шароитни дунёдаги кўплай мамлакатлардаги аёллар орзу қилади.

4

▶ Давоми 2-бетда.

Сайловлар очиқ ва ошқора ўтишида ОАВ муҳим аҳамиятга эга

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Мамлакатимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш, халқаро меъёрларга мос миллий сайлов қонунчилигини шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сайловларни очиқ, ошқора ўтказиш, бу борада демократик принципларга асосланган тизимни яратиш масаласига жиддий эътибор берилаяпти.

Бунда, шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки фуқароларга сайлов жараёни ҳақида тўлиқ ахборот бериш, бу жараёни тезкорлик билан ёритиш ва сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари, мақсад ва ғояларини тарғиб этишда ОАВ муҳим ўрин тутаяди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш

буот хизматлари ходимлари ва тажрибали экспертлар иштирок этди.

Қайд этилдики, мамлакатимизда сайловларни демократик тарзда ташкил этиш ва ўтказишнинг мустахкам қонунчилиги ва ташкилий асослари яратилди. Бугун фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш, сайловларни очиқ ва ошқора ўтказиш, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти олиб бориш билан боғлиқ кенг қўламли чораларни амалга оширилмоқда. Бу жараёнда эса оммавий ахборот воситалари фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

▶ Давоми 2-бетда.

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

БАНДЛИК

Ваколат ва мажбуриятлар

аниқ белгиланиши керак

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси «Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича тақлифларини ишлаб чиқмоқда.

Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафтада мазкур қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Шу кунларда сиёсий партиялар фракциялари (депутатлик гуруҳи) уни такомиллаштириш бўйича ўз тақлифларини тайёрлаш устида иш олиб бормоқда.

ЎзХДП фракциясининг ишчи гуруҳи йиғилишида депутатларнинг фикр-мулоҳазалари ва дастлабки тақлифлари кўриб чиқилди. Йиғилишда, шунингдек, ЎзХДП Марказий Кенгаши вакиллари, экспертлар ҳам иштирок этди.

Таъкидландики, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли саломатлиги, жумладан, санитария-эпидемиологик хотиржамликни таъминлаш йўлида зарур ҳуқуқий асос яратилди. Хусусан, 1992 йилда «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

▶ Давоми 2-бетда.

Янги турдаги маҳсулот

Жиззах туманидаги «Олмачи полимери» масъулияти чекланган жамиятида ёғоч ўрнини босувчи қурилиш материали ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маҳсулот учун ишлатиладиган хомашёнинг 60 фоизини ёғоч қипиғи, 30 фоизини полиэтилен аралашмаси, 10 фоизини экокўшишма ташкил қилади. Уларнинг муайян босим остида прессланиши натижасида тайёрланадиган қурилиш материали экологик жиҳатдан тоза бўлиб, намга, совуқ ва иссиққа чидамлилиги, узоқ вақт бўяш ҳамда бошқа турдаги ишловларга муҳтож эмаслиги билан ҳам аҳамиятлидир.

— Ёғоч ўрнини бемалол босадиган бу қурилиш материалимиз металлга ўхшаш мустахкамлиги, ёғочдек табиийлиги билан ажралиб туради, — дейди **корхона мутахассиси Хайрулла Омонов**. — Улардан уй-жой ва офислар, ҳовлилардаги турли қўшимча биналар қурилишида фойдаланса бўлади.

Янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш натижасида корхонада қўшимча 8 та иш ўрни яратилди.

Ўз мухбиримиз

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Болалар спорти ривожини —

доимий эътибор талаб этадиган масала



www.uzbekistonovozi.uz

Мирзо Улуғбек туманида ЎзХДПнинг 96 та бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Электрот билан мустахкам алоқа ўрнатиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ечимни бўйича тақлифлар билдиришда Ўзбекистон Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари илмий текшириш институти бошланғич партия ташкилотининг фаоллиги тобора ошиб бораёпти.

— Бошланғич ташкилотимизда партиямизнинг 15 нафар аъзоси бор, — дейди қўйи бўғин етакчиси Ўткир Шаропов. — Аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллигини ошириш борасида қатор тадбирлар ташкил этилаётир. Кейинги вақтларда ёш ходимларнинг партиямизга қизиқиши ортиб бормоқда. Яқинда улардан бир гуруҳини сафимизга қабул қиламиз.

Ёш олимлар ЎзХДПни танламоқда



Санжар ШОТУЛАГАНОВ оилан сурат.

Ўтган ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунни қабул қилиб, Сенатга юборди.

Мазкур қонуннинг асосий мазмун-моҳияти ҳақида ЎзХДП фракцияси аъзолари фикр-мулоҳазалари билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишингиз мумкин.

Фракция фаолияти



Ваколат ва мажбуриятлар

аниқ белгиланиши керак

— Ҳозирги даврда халқаро иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг жадал ривожланиб бориши, шунингдек, атроф-муҳитда руй бераётган ўзгаришлар аҳоли саломатлигига хавф ҳолатларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқий механизми янада такомиллаштириши талаб этмоқда, — дейди ҲХДП фракцияси аъзоси Улугбек Ҳожибеков. — Қонун лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад аҳолининг санитария-эпидемиологик хотиржамлиги таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни замон талаблари даражасида тартибга солишдан иборат. Хусусан, унда Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, юридик ва жисмоний шахслар, яқка тартибдаги тadbirkorлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва вазифалари белгиланган бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Ишчи гуруҳи аъзолари фракция тақлифлари партия дастурий мақсадлари ҳамда электорати манфаатларига қаратилиши зарурлигини таъкидлашди. Қайси соҳада ишлашимиздан қатъи назар, қонун лойиҳасида белгиланаётган масалалар моҳиятан ҳамма-мизга дахлдор. Шунинг учун уни кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, зарур тақлифлар олиши муҳим аҳамиятга эга. Ишчи гуруҳи бунга алоҳида эътибор қаратди. Қонун лойиҳасини маҳаллий партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари иштирокида чуқур муҳокамалардан ўтказишга келишиб олинди. Тақлифлар меъёрига етказилган, фракциянинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинади ва ундан кейин маъсул кўмитага тақдим этилади.

болаларни эмлаш, соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунарт таълими босқичларида санитария-гигиена соҳасида билимларини ошириш чора-тадбирларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади, — дейди ҲХДП фракцияси аъзоси Назира Матякубова. — Аммо қонун лойиҳасида айрим камчиликлар, ноаниқликлар бор. Биз улар бўйича ўз тақлифларимизни шакллантириб оляпмиз. Масалан, қонун лойиҳасида келтирилган асосий тушунчаларнинг бир қисmini қисқартириш, қолганларини аниқ ва лўнда ифодалаш керак, деб ҳисоблаймиз.

Тўлиқ ТўРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Депутатлик назоратида ИЗЧИЛЛИК

бўлса, электоратни ташвишга солаётган масалаларни ҳал этиш юзасидан ҳаётий тақлифлар янада кўпаяди

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Тадбирда Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Алоҳида қайд этилдики, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103, 117-моддаларига)»ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатилганини ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади. Бу Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари зиммасига янада маъсул ятаги вазифаларни юкледи. Хусусан, жойларда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашнинг аниқ йўналишлари, хусусан, давлат томонидан ажратилаётган ижтимоий нафақаларнинг манзиллигини таъминлаш юзасидан парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш лозим.

Шунингдек, яратилган янги ваколатлар партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш бўйича ЎзХДП ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг иштирокини янада фаоллаштиришга имкон яратди. Айтиш жоизки, бу йўналишда ижобий тажриба тўпланган. ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлари томонидан кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган 7 ойида Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижроси бўйича иш олиб борилиб, партия электоратини ташвишга солаётган 184 масала партия гуруҳларида кўриб чиқилди. Шунингдек, 92 та масала халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари йиғилишида, 40 та масала эса сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди.

Семинарда, шунингдек, айрим партия кенгашлари ва гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Чунки партия электорати манфаати билан бевоси-



Фотурх АЛИЕВ олган сурат.

та боғлиқ бўлган ижтимоий масалаларга айрим ҳудудларда талаб даражасида ёндашмаслик ҳоллари учраб турибди. Иштирокчилар семинарда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросида партиянинг амалий иштирокини янада кучайтириш масаласига ҳам алоҳида урғу берилди. Таъкидландики, маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари Кенгашларидаги гуруҳлари соғлом болани вояга етказиш ва тарбиялаш ишларига ажратилаётган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши

юзасидан таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назоратида талаб даражасида эътибор мазкур йўналишда тўпланган ижобий тажрибани таҳлил қилиш ва оммалаштириш, камчиликларни бартараф этишда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари салоҳиятидан унумли фойдаланиш масалаларига қаратилди. Шунингдек, тадбирда муҳокама марказига қўйилган мавзу юзасидан Тошкент шаҳар партия кенгаши фаолияти таҳлил этилди. Жорий йилнинг олти ойи давомида Тошкент шаҳри бўйича 6 та масала

партия гуруҳида кўриб чиқилгани, Жамоатчилик қабулхоналарига тушган 220 та мурожаатнинг 60 фоизи тегишли идора ва ташкилотлар ёрдамида ижобий ҳал этилгани алоҳида қайд этилиб, бу борадаги тажрибаларни янада ривожлантириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Муҳокамалар чоғида партия дастурларида кўзда тутилган ижтимоий аҳамияти юқори бўлган вазифаларни самарали тарзда ҳаётга татбиқ қилишга оид муҳим йўналишлар белгилаб олинди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати

Тиббий маданият кучайиши

тарғиботга ҳам боғлиқ



Уса олган сурат.

Уса олган сурат.

Хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш масаласига бағишланган тадбирлар 40 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктида ўтказилди. Лойиҳа доирасида хотин-қизлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилди. Ойлада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, эрта турмуш куриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида фикрлашилди. Шунингдек, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш масаласи ҳам кенг муҳокама этилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози қатор етакчи давлатларни ўз домига тортиб, унинг поёни ҳали бери кўринмай турган бир пайтда мустақил Ўзбекистонимиз камдан-кам давлатлар қаторида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш кўрсаткичи бўйича 8 фоиздан кам бўлмаган натижага эришмоқда. 2013 йил якунлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8, қишлоқ хўжалиги 6,8, чакана савдо айланмаси 14,8 фоиз ўсишига эришилди. Собиқ шўролар тузуми бутун умри давомида қишлоқни шахарга тенглаштирамиз, деб, қишлоқни вайрон қилиб, унинг аҳлини томорқасидан, ҳатто боғроғларидан жудо қилиб, қатлақ уйлارга тиқишдан бошқага ярамади. Мана энди эса Истиклол шарофати билан шахар ва қишлоқнинг ўзига қўйилган дилнинг ўзиёқ юқоридаги фикрга яққол исбот бўлса ажабмас. Унда дунёнинг 156 та давлатидаги ишхотлар ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тақсимоти,

ЎзХДП ҳаётидан

ЎзХДП Қарши шаҳар ва туман кенгашлари томонидан «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, тиббиёт бирлашмалари билан ҳамкорликда «Соғлом бола — соғлом оилада камол топади» лойиҳаси доирасида қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

Хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш масаласига бағишланган тадбирлар 40 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктида ўтказилди. Лойиҳа доирасида хотин-қизлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилди. Ойлада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, эрта турмуш куриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида фикрлашилди. Шунингдек, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш масаласи ҳам кенг муҳокама этилди.

Шахло ХУДОЙҚУЛОВА

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Сайловлар очиқ ва ошқора ўтишида

ОАВ муҳим аҳамиятга эга

— Сайлов жараёнининг демократик принциплар асосида ташкил этилиши кўп жихатдан ОАВ уни нечоғлик ҳолис ва мустақил ёритишига боғлиқ, — деди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар худудий бўлини маси раҳбари Дониёр Аюпов. — Чунки сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар сайловолди дастурларини электоратга етказиш, сайлов жараёнини кенг ёритишда ОАВ муҳим минбар вазифасини ўтайди. Демак, соҳа ходимларининг малакаси ва тажрибасини ошириш бунда муҳим роль ўйнайди. Шундан келиб чиқиб, сайлов жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳақида маълумот бериш, сайлов жараёнини ёритишда журналистларнинг эътибор қаратиши лозим бўлган мезонларни муҳокама қилиш ва уларнинг сайловларга тайёргарлигини кучайтириш мақсадида мазкур тадбирни ташкил этдик. — Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнидаги фаолияти бўйича барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган, — деди Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Низомиддин Нурматов. — Жумладан, сайлов жараёнини ёритиш борасида оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқлари ва улар амал қилиши керак бўлган меъёрлар «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси

Марказий сайлов комиссияси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сайлов тўғрисида» ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сайлов тўғрисида» ташвиқотини оммавий ахборот воситаларида тарқатилган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек, депутатликка номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади. Давра суҳбати сайловларни оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилишига доир қизгин муҳокамалар, савол-жавоблар билан ўтди. ОАВ вакиллари, экспертлар ва мутахассислар сайлов жараёнининг бутун тафсилотларини аҳолига холис ва ўз вақтида етказиш бўйича ўз фикрларини билдириди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Яшнаган юрт, ҳаётдан рози одамлар



Зийовиддин МАНСУРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Ким эдигу, ким бўлдиқ?

«Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорда мамлакатимизнинг ўтган аср охирида кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ СССРда энг охириги ўринлардан бирини эгаллаган, пахта якяхаққимлиги ҳалокатли тус олган, иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, қолоқ аграр республикадан бугунги кунда саноати тез сурьатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланганини очиб бериш устувор йўналиш сифатида алоҳида қайд этилди.

Ҳақиқатан ҳам мамлакатимиз собиқ иттифоқнинг энг қолоқ ўлкасидан бугунги кунга келиб ҳар томонлама ривожланаётган замонавий мамлакатга айланди. Энг қувонарлиси, бу ютуқлар халқаро рейтинг агентликлари, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам тан олинмоқда.

Чунки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бюртимасига асосан тайёрланган «Бахт маърузаси»даги куйидаги далилнинг ўзиёқ юқоридаги фикрга яққол исбот бўлса ажабмас. Унда дунёнинг 156 та давлатидаги ишхотлар ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тақсимоти,

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Фарғона:

Истиқболли Истиқлолдан яралаётган шаҳар

Мустақилликнинг мустақам иморатлари

Президентимиз Ислам Каримовнинг Фарғона шаҳрини қайта қуриш, янада ободонлаштириш борасидаги ташаббуси туфайли бугун шаҳар яшариб, янада гўзаллашиб бормоқда. Бош лойиҳага кўра, у кичик ва катта халқа йўлига эга мамлакатимиздаги иккинчи шаҳар бўлади. Юзлаб янги иншоотлар, уй-жойлар, маданий-маиший объектлар қад ростламоқда. Улкан бунёдкорлик ишларида нафақат фарғоналиклар, балки мамлакатимиз барча вилоятларидан келган қурувчилар, мутахассислар меҳнат қилмоқда.

Иш кўламининг шу қадар кенглиги ҳар бир фарғоналик қалбига гурур туйғусини уйғотиши билан бирга, унда дахлдорлик ҳиссини ҳам кучайтиради. Қайси кўча, қайси иншоот қурилишида бўлманг, сизидилдан меҳнат қилаётган ёш қари ҳаётчиларни учратасиз. Уларнинг юз-кўзлари, сўзларидан замонамизга шукроналик ва бунёдкорлик ишларидаги иштирокидан фахрланиш ҳиссини сезасиз. Ҳа, бугун Фарғонанинг қиёфаси ўзгариб бормоқда, чиндан-да водийнинг энг гўзал, кўркам, файзли гўшасига айланмоқда. Бу ишлар, айниқса, четдан келган кишига дарҳол сезилди.

Баъзида рақамлар зерикаридек туюлади. Лекин Фарғона шаҳрида амалга оширилган ишлар рақамларда таърифланса, руҳимизни ҳайрат туйғуси қамраб олади, — дейди самарқандлик ҳамкасбимиз, ҲХДП фаоли, Ўзбекистон

либ, йўл четига кўчирилди. 110 та трансформаторлар капитал таъмирланди, 11 таси юқори қувватлисига алмаштирилди ҳамда 2 та электр энергия тарқатиш пункти қурилди. Ушбу ишларга 31 млрд сўм маблаг сарфланди. Натижанда 40 мингдан зиёд аҳолининг ичимлик суви, иссиқлик ва электр таъминоти яшилди.

Кичик халқа йўлининг 14,2 км қисмида қурилиш ишларининг биринчи босқичи якунланиб, Алишер Навоий, Ал-Фарғоний проспекти ва Кувасой кўчалари фойдаланишга топширилди. Ҳозирда Сайлгоҳ, Фаробий ва Ниёзий кўчалари реконструкция қилинмоқда. Жами 55 млрд сўмлик йўл қурилиш ишлари бажарилди.

Йўл минтақасига тушган 553 та турар жой ва 170 та нотурар жой биноси бузилди. Шундан 401 нафар фуқарога уй-жой учун 15 млрд сўм компенсация тўланди.



да стадион ўриндиқларини ўрнатиш ҳамда трубина ости ва вип биноларда пардозлаш ишлари бажарилмоқда. Худудни ободонлаштириш, аҳолига замонавий хизмат кўрсатиш мажмуасини ташкил этиш ҳамда стадионга олиб боруви кўшимча йўлда қуриш ишлари якунланди. 9 гектар майдонга 3 минг туп ноёб манзарали дарахт экилди. Янги футбол мактаби қурилиш ишлари белгиланган режа асосида давом этмоқда.

Собиқ «Нефтчи» стадиони ўрнида эса спорт-соғломлаштириш комплексини ташкил этиш ишлари юқори суръатларда амалга ошириляпти. Объект мустақиллик байрамига топширилди.

Янги «Санъат саройи»да ички пардозлаш ва муҳандислик ишлари бажарилмоқда. Сарой жойлашган майдонда 4 та фаввора, 2 та музқаймоқ шохобчаси, пивдалар йўлаклар, сугориш ва ташки ёритиш

уёнинг 12 таси фойдаланишга топширилмоқда.

Шаҳар кўчалари ва хиёбонларини замонавий талабларга мослаштириш ва кўчаларзорлаштириш мақсадида Мустақиллик ва Ал-Фарғоний кўчаларида ландшафт архитектура-си асосида «Каштан дархатлари аллеяси» ташкил этилди.

Баҳор, Аэропорт, Алишер Навоий, Оқ-арик, Нурафшон ва бошқа кўчаларда 11400 га яқин манзарали дарахт экилди. Шаҳар бўйича кўчат экилган ва кўчаларзорлаштирилган майдонлар 100 гектарга етди.

Фарғона аэропортининг расмий делегацияларни қабул қилиш биносини янгидан қуриш, жиҳозлаш ва ташки ободонлаштириш ишлари ҳам якунланди.

Фарғона шаҳрининг иссиқлик тизимини яхшилаш дастури доирасида 4,5 км иссиқлик тармоғи қуриш ва РК 3 озонконнасини реконструкция ишларининг 1-босқичи тугаланиб, 20 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Натижанда 46 та иختимой соҳа муассасаси ва 264 та кўп қаватли уй иссиқлик билан таъминланди. Шунингдек, 148 та кўп қаватли уй иссиқлик тармоғига улашга тайёрланди.

Мустақиллик кўчасида жойлашган таъмирталаб иختимой соҳа ва бозор инфратузилмаси объектлари ўрнида янги замонавий «Ёшлар маркази» мажмуасини ташкил қилиш ишлари якунланмоқда. Мазкур кўчада жойлашган «Ахборот ресурслар маркази» реконструкция қилинмоқда.

«Ал-Фарғоний» истироҳат боғида болалар учун 100 ўринли «Кўғирчоқ» театри биноси фойдаланишга топширилди. Сайилгоҳ ва Мустақиллик кўчалари орасидаги «Болалар боғи»ни реконструкция қилиш, замонавий аттракционлар ўрнатиш ишлари қизгин, 2 та музқаймоқ ва яхна ичимликлар кафеси фойдаланишга топширилди ҳамда сувенирлар магазини қуриш ишлари якунланмоқда. Кувасой кўчасида собиқ «Тўқимачилар боғи» қайтадан рекон-

струкция қилиниб, болалар учун энг замонавий аттракционлар ўрнатилди. Вилоят миллий маданий маркази — рус драма театри биноси реконструкция қилинди. «Киргули» мавзесидаги собиқ «Дўстлик» кинотеатри негизида «Ёшлар маданият маркази»ни ташкил этиш ишлари олиб боришмоқда.

Хуллас, Фарғона Шарқ ва Ғарб шаҳарсозлигининг замонавий ва миллий аъёналарини ўзида мужассам этган бетақдор маъмурий-маданий марказга айланди.

Бу ишларнинг барчаси жуда пухта ўйлаб, ҳисоб-китоб қилиниб, лойиҳалаштирилган, — дейди «Агроқурилиш» ҲХ раиси Курбонали Абдурахмонов. — Бундан икки йил муқаддам Фарғонага ташрифи чоғида Юртбошимиз шаҳар қиёфаси қандай тус олишини аниқ-равшан айтиб берган эди. Буни биз қурувчилар оқ фотиҳа, деб қабул қилганмиз.

Турли қурилишлар, ҳашарлар бошида архитектор, қурувчи-муҳандис, ирригатор, электр усталари, эколог, сифат инспектори, йўлсозлар ва бошқа касб эгаларини учратиш мумкин. Дарҳақиқат, иш ҳажми катта, сифати юқори. Демакки, қўйилаётган пойдеворлар рамзий маънода ҳам, ҳақиқий маънода ҳам мустаҳкам. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, қурилиш ҳашарига ҳар кун вилоятимизнинг корхона ва ташкилотлари, ўқув юртлари, маҳаллалари ўз вакилларини чиқаришда, техникаларини жалб этишдади. Маҳалла вакиллари ҳар кун қурувчиларга елкадош бўлишдади. Хонадонлардан иссиқ чой, таом чиқади.

Кўчаларимиз тор, уйлари миз пастқам ва кўримсиз эди, — дейди Кувасой кўчасида яшовчи Мавлуда Отахонова. — Бизга янги лойиҳани, қуриладиган кўча ва уйлар макетини кўрсатишди. Маҳалламиз аҳли қувончдан чапак чалиб юрди. Қурилишлар бошлангач, биз ҳам қараб турганимиз йўқ, қурувчилар билан ёнма-ён ишладик. Ҳар ким ўз кўчасини, маҳалласини обод қилса, юр-

тида файз бўлади, мамлакат обод бўлади.

— Эски бўлса-да, уйимиз бозор нарҳида қайта баҳоланди, кадастр ҳужжатлари қайта тайёрланди, унга кўра, вилоят тижорат банклари орқали бизга нақд пул шаклида уй ҳақи тўланди, шаҳарнинг бешта худудидан янги уй-жой қуришга ер танлаш имкони берилди, қурилиш учун замонавий лойиҳалар тақлиф этилди. Биз икки қаватли, ҳамма имконият муҳайё этилган янги уй лойиҳасини танладик, шундай кунларга етказганига шукр, — дейди Оқариқ маҳалласида яшовчи Доноҳон ая Набиева.

— Энг катта бойлик — юрт тинчлиги. Шунинг учун Фарғонада ҳам буюк ўзгаришлар, улкан қурилишлар амалга оширилляпти, — дейди «Шакарқишлоқ» МФЙ раисаси Мавлуда Қажомова. — Маҳалладошлар билан суҳбат чоғида бир савол тез-тез уртага ташланади ва ҳар ким ўз тақдири мисолида жавоб излайди. Ким эдигу, ким бўлди? Сир эмас, Фарғонанинг бор йўғи икки-учта «марказий» кўчаси бор эди, холос. Улардан ичкари кирилса, кўримсиз, пастқам, пахса уйларда яшаётганимиз ошкор бўларди. Ҳозирчи? Маҳалламиз мисолида айтилган, 102 хонадон бузиб, 2 қаватли қилиб қайта қурилди. Каналяризи қурилди. Кўчалар кенгайди, чарогон чироқлар ўрнатилди, икки ёнда кўм-кўк майсазорлар бунёд этилди. Ҳар бир уйда юксак шароит. Ҳамма имкониятлар биз — одамлар учун. Энди ўйлаб, ўзимизга савол берайлик: шўро замонида пахса деворли уйимизни, эгри-бугри кўчаларимизни биров тўғрилай деганими?

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 107,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 110,0 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 107,5 фоиз, пудрат ишлари ҳажми 111,5 фоиз, чакана савдо айланмаси 112,5 фоиз ҳамда пуллик хизматлар ҳажми 110,3 фоизга ўсди. Маҳсулотлар экспорти 217 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Бугунги кунда вилоятда рўйхатдан ўтган хорижий инвестиция асосида ташкил этилган корхоналар сони 124 тани ташкил этади. Чет эллик ҳамкорлар орасида Германия, Англия, Жанубий Корея, Хитой, Россия каби дунёнинг тараққий этган кўплаб давлатлари бор.

Юксак тараққий одамлари вилоятда олиб борилаётган барча соҳадаги ислохотларда тўла намоён бўлмоқда. Истиқлолнинг ўтган йигирма уч йили мобайнида биз нималарга эришган бўлсак, буларнинг барчаси эркинлик, тараққийёт ва келажак меъмор Президенти Ислам Каримовнинг узоқни кўзлаб, халқ, Ватан бахт-саодати йўлида олиб борган оқилона сиёсати туфайли эканлигини Фарғона аҳли жуда яхши билади ва қадрлайди.

Бугун фарғоналикларнинг кўп бири билан бўлмасин, суҳбатлашсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Мухаммадjon ОБИДОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист.



Астероидлар траекторияси ўрганилди ва...

Бугунги кунда сайёраимизга хавф солувчи йирик астероидларнинг 93 фоизи аниқланган.

ИТАР-ТАСС хабар беришича, шу пайтгача ҳажми 1 километрдан ортиқ бўлган, Кўёшдан 195 миллион километр узоқликда учиб юрган хавфли астероидлар тахминан мингдан ортиқ, деб ҳисобланган. Бироқ ундай эмас экан. 2009 йил декабрда коинотга учирилган «Кенгбурчакли инфрақизил тадқиқот телескопи» («КИТТ») узатган манбаларга асосланиб шунга айтиш мумкинки, Ер сайёрасига хавф солувчи йирик астероидлар 981 тани ташкил қилади. Массасуцетс штатидаги Кембрик астрофизика маркази раҳбари Тим Спарнинг айтишича, улар орасида диаметри 10 ва ундан ортиқ километр бўлган астероидлар ҳам бор.

«КИТТ» тадқиқотларидан маълум бўлишича, Ер билан тўқнашиш хавфи бўлган астероидлар сони ҳам аввал тахмин қилингандан камлиги аниқланди. Шунингдек, «КИТТ» Ер орбитасига яқин масофада учиб юрган ўртача ҳажмдаги (100 метрдан 1 километргача) астероидларни ҳам аниқлади: улар аввал тахмин қилингандек 35 мингга эмас, балки 19,5 мингга экан.

«Кенгбурчакли инфрақизил тадқиқот телескопи» ёрдамида 14 ой давомида Марс ва Юпитер ораларида учиб юрган юз мингга астероид траекторияси кузатилди.

Дарвоқе, «NASA» 2016 йили «1999 Ар-Кью-36» астероидга тадқиқот зонди учуришни мўлжаллаб турибди.

«Кенгбурчакли инфрақизил тадқиқот телескопи» ёрдамида 14 ой давомида Марс ва Юпитер ораларида учиб юрган юз мингга астероид траекторияси кузатилди.

Дарвоқе, «NASA» 2016 йили «1999 Ар-Кью-36» астероидга тадқиқот зонди учуришни мўлжаллаб турибди.

Ўғил болаларга нисбатан

қизлар туғилиши кам

Дунё нуфусшуносларининг тасдиқлашича, Ер юзи аҳолиси ўсишда давом этмоқда. Аммо муаммо шундаки, эркак ва аёлнинг сон жиҳатдан мутаносиблиги йўқолиб бормоқда. Кейинги 50 йилда бу кўрсаткич катта муаммага айланиши мумкин экан.

Сўнги статистик маълумотларга қараганда, деийлади Британияда чоп этиладиган «The Telegraph» газетаси ахборотида, жаҳон бўйича туғилаётган ҳар юз киз чақалоққа ўрта ҳисобда 104-106 нафар ўғил бола туғилиши тўғри келмоқда. Ҳиндистон ва Вьетнамда бу кўрсаткич 110 га 112 нафарни ташкил этмоқда. Хитойда эса кизга нисбатан ўғил чақалоқ 20 нафар кўп туғилмоқда, айрим ҳудудларида бу рақам ҳатто 30 тадан ҳам ортиб кетмоқда. Худди шундай муаммони Озарбайжон, Грузия, Сербия ва Боснияда ҳам кузатиш мумкин.

Сўнги статистик маълумотларга қараганда, деийлади Британияда чоп этиладиган «The Telegraph» газетаси ахборотида, жаҳон бўйича туғилаётган ҳар юз киз чақалоққа ўрта ҳисобда 104-106 нафар ўғил бола туғилиши тўғри келмоқда. Ҳиндистон ва Вьетнамда бу кўрсаткич 110 га 112 нафарни ташкил этмоқда. Хитойда эса кизга нисбатан ўғил чақалоқ 20 нафар кўп туғилмоқда, айрим ҳудудларида бу рақам ҳатто 30 тадан ҳам ортиб кетмоқда. Худди шундай муаммони Озарбайжон, Грузия, Сербия ва Боснияда ҳам кузатиш мумкин.

Сўнги статистик маълумотларга қараганда, деийлади Британияда чоп этиладиган «The Telegraph» газетаси ахборотида, жаҳон бўйича туғилаётган ҳар юз киз чақалоққа ўрта ҳисобда 104-106 нафар ўғил бола туғилиши тўғри келмоқда. Ҳиндистон ва Вьетнамда бу кўрсаткич 110 га 112 нафарни ташкил этмоқда. Хитойда эса кизга нисбатан ўғил чақалоқ 20 нафар кўп туғилмоқда, айрим ҳудудларида бу рақам ҳатто 30 тадан ҳам ортиб кетмоқда. Худди шундай муаммони Озарбайжон, Грузия, Сербия ва Боснияда ҳам кузатиш мумкин.

Сўнги статистик маълумотларга қараганда, деийлади Британияда чоп этиладиган «The Telegraph» газетаси ахборотида, жаҳон бўйича туғилаётган ҳар юз киз чақалоққа ўрта ҳисобда 104-106 нафар ўғил бола туғилиши тўғри келмоқда. Ҳиндистон ва Вьетнамда бу кўрсаткич 110 га 112 нафарни ташкил этмоқда. Хитойда эса кизга нисбатан ўғил чақалоқ 20 нафар кўп туғилмоқда, айрим ҳудудларида бу рақам ҳатто 30 тадан ҳам ортиб кетмоқда. Худди шундай муаммони Озарбайжон, Грузия, Сербия ва Боснияда ҳам кузатиш мумкин.



Олий Мажлиси Сенати аъзоси Фармон Тошев. — Менимча, ҳали республикамиздаги ҳеч бир шаҳарда бира тўла бу қадар кенг кўламли қурилиш ишлари олиб борилмаган.

Унинг гаплари исботини куйидаги рақамлардан ҳам қилиш мумкин.

Фарғона шаҳар инфратузилмасини тубдан яхшилаш мақсадида йўл минтақасида жойлашган 87 км ичимлик суви, 15 км электр ва 18 км газ тармоқлари тўлиқ янгидан торти-

Марғилонсой устидан ўтувчи кўприкларда қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Бугунги кунгача 1 янги кўприк қурилди ва 8 таси реконструкция қилинди. Қолган 7 кўприкда қурилиш ишлари якунланмоқда. Марғилонсойнинг икки қирғоғи тош билан тўла қопланди, панжара тўсиқ ўрнатилди. Бу ишларга жами 5,1 млрд сўм маблаг сарфланди.

Янги 20 минг ўринли стадионда ҳам қурилиш ишлари жадвал суръатларда давом этмоқда. Унинг майдонида чим экиш ишлари якунланди. Айни вақт-

тизимлари қуриш ишлари якунланди. Атрофдаги 40 гектар майдон тексиланди, 11 минг туп (шундан 7,5 минг туп каштан, эман, акация, қарағай, сафвора, айва, оқ қайин) дарахтлари экилди.

Харбийлар шаҳарчаси худудини оптималлаштириш ҳисобига бўшатиш майдонида 34 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди, 86 млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

Фарғона фуран бирикмалари заводи ўрнида «Мустақиллик» мавзеси барпо қилиниб, қуриладиган 34 та кўп қаватли

Иختимой ҳимоя

100 нафарга яқин қишлоқ ёшлари

иш билан таъминланди

Жиззах туманидаги «Жиззах жун» корхонаси ишга туширилиши натижасида маҳаллий хом ашё — жундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Лойиҳа қиймати қарийб 3,5 миллиард сўмга тенг бўлган ушбу корхона замонавий хориж технологиялари асосида фаолият кўрсатмоқда. У бир кеча-кундузда 20 тонна хомашёни ишлаш қувватига эга. Бу ерда ювиш, тозалаш, ёғни ажратиб олиш, бўяш, кавапа ип ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштирилган линиялар мавжуд.

Айни пайтда жундан олинган маҳсул эф фармацияга ва косметологияга, тайёр маҳсулотлар эса энгил сааноат, қурилиш соҳаси, автосаноат, уй-рўзгор буюмлари тайёрлашда қўлланилмоқда.

Корхонанинг иш бошлаши 100 нафарга яқин қишлоқ ёшларини, асосан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини доимий иш билан таъминлаш имкониятини яратди. Келгусида бу ерда жун пайпоқлар ва жун гиламлар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Истиқлол имкониятлари

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида бири-бирдан ортиқ ўзгаришлар, янгиликлар бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди. Ким бунга озгина шубҳа қилаётган бўлса, Самарқандга келсин, Пастдаргом туманида бўлсин, ҳаммасини ўз кўзи билан кўради, тан беради.

Ишлаб чиқариш салоҳияти жиҳатидан нафақат вилоятда, балки республикамизда ҳам етакчи туманлардан бири бўлган Пастдаргом мустақиллик йилларида мисли қўрилмаган даражада чирой очди. Қайси соҳани олманг, катта-катта ютуқлар, ўзгаришларни кўрасиз. Мисол тариқасида қишлоқларда аҳоли учун намунавий лойиҳа асосида уй-жой қуриш ишларида эътибор қаратайлик. Кейинги йиллар мобайнида 400 та ана шундай уй-жой фойдаланишга топширилди. Жорий йилда эса яна 130 та хонадон намунавий лойиҳадаги замонавий уй-жойларга кўчиб ўтади.

— Истиқлол йилларида туманимиз маркази — Жума шаҳри қиёфаси бутунлай ўзгарди, — дейди Ўзбекис-

тон Халқ демократик партияси туман кенгаши раиси Ҳусниддин Шарипов. — Кўримсиз ҳолга келиб қолган маданий-маиший, таълим ва тиббиёт бинолари ўрнида замонавий иншоотлар қад ростлади. Ўтган уч-тўрт йилда шаҳар туманининг инвестиция дастурига киритилиб, бош лойиҳа асосида батамом қайта реконструкция қилинди.

Жумладан, Самарқанд кўчасидаги 1300 метрлик йўл энга 24 метрга кенгайтирилди. Ҳамид Олимжон ва Султон Урдашев номли кўчаларда ҳам шундай ишлар амалга оширилди. «Ёшлик» истироҳат боғи тўлиқ қайта қурилиб, унда аҳолининг, хусусан, ёшларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун етарли шарт-шароитлар яратилди. Барча кулайликларга эга муҳташам

Пастдаргомда ўзгаришлар катта

«Ёшлар маркази» биноси қад ростлади. Эндиликда бу ерда туман ёшлари учун ҳунар ва тил ўрганиш, спорт билан шуғулланиш имконияти юзага келди. Мусиқали ва рангли фавворалар барпо этилди. Бундай ишларнинг амалга оширилишида тумандаги ХДП аъзоларининг муносиб ҳиссаси борлиги биз учун гоят қувончлидир.

Равон кўчалар, улар атрофидаги кўркам маъмурий, маданий-маиший хизмат бинолари, шифохона, савдо мажмуалари шаҳар кўркамга кўрк қўшди. Қайта қурилган «Пахтакор» стадиони, амалий ва тасвирий санъат лицейи, 32-болалар мусика ва санъат мактаби ёш авлоднинг соғлом, маънан етуқ камол топишига хизмат қилмоқда. Бир эмас, тўртта бозор аҳоли учун қулай жойда барпо этилди. Дастлаб озиқ-овқат, буюм, мол бозорлари янгидан қурилди. Жорий йилдан эса улар ёнида қурилиш моллари савдо мажмуаси ҳам иш бошлади.

Бешқаҳрамон, Торарик, Санчиқул, Сарибош, Анҳор қишлоқ фуқаролар йиғинлари худудларида ичимлик суви иншоотлари фойдаланишга топширилди. Тумандаги 1-мактабда спорт зали барпо этилди, 70, 92, 112-умумтаълим мактаблари, туман тиббиёт бирлашмаси, бир қанча қишлоқ врачлик пунктларида катта ҳажмдаги реконструкция, капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Шаҳарда болалар сув спорти ҳавзаси қурилиши бошлаб юборилгани ҳам қувончли воқеадир.

Кейинги йилларда Пастдаргомда саноат ривожланиши, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида улкан ютуқларга эришилди. Айни пайтда туманда 893 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда. 472 та аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Утган йилнинг ўзида 6110 та янги иш ўрни яратилди. 2014 йилнинг дастлабки олти ойида саноатни ривожлантириш

худудий дастури доирасида қиймати 4 миллиард 844 миллион сўмга тенг 7 та лойиҳа амалга оширилди. Бугунги кунда фермер ҳўжаларидан ташқари мингдан кўпроқ кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Улар саноат, қишлоқ ҳўжалиги, савдо, транспорт, алоқа, қурилиш ва бошқа соҳаларда иш олиб бораёпти. Бундай ижобий ҳолат, шубҳасиз, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига, аҳоли даромадининг кўпайишига замин яратмоқда. Хориж сармоясини жалб этаётганлар, экспортга чиқаётган тадбиркорлар сони ҳам йил сайин ошиб бораёпти.

2013-2015 йилларда туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш инвестиция дастурига асосан 18 та лойиҳа бўйича 13,1 миллион АҚШ доллари миқдориди сармоя ўзлаштирилиши режалаштирилган эди. Мавжуд имкониятлар ҳисобга олиниб,

ушбу лойиҳаларга қўшимча равишда 2013-2016 йилларга мўлжалланган яна 21 та лойиҳа қўшимча равишда ишлаб чиқилди. Ана шу лойиҳалар қиймати 8,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, янгидан барпо этиладиган 21 та корхонада саноат ва қурилиш моллари ишлаб чиқаришга замин яратилади.

Бу маълумотлар Пастдаргомдаги ўзгаришлардан бир шингил, холос. Энг муҳими, ўзгаришларни нафақат бунёдкорлик ишларида, аввало, одамлар қалбига англайсиз. Ҳа, бугун туман аҳли Ватан манфаати, эл-юрт фаровонлиги билан боғлиқ орзу-ниятлар билан тўлиб яшамоқда, меҳнат қилмоқда. Бундай туйғулар, ҳаракатлар натижада эса амалдаги ишларда яққол намоён бўлиб турибди.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

Соғлом бола — соғлом келажак

Ҳақида ота-оналардан ҳам кўра давлатимиз, Президентимиз кўпроқ ғамхўрлик кўрсатапти, десам асло муболага бўлмайди, — дейди Тошкент шаҳар II сонли перинатал маркази шифокор — неонатологи Дилфуза МАҲМУДОВА

Баркамол авлод орзуси

Неонатология — медицинанинг нисбатан янги йўналиши ҳисобланади. Чақалоқларнинг паталогик ҳолати, уларнинг тўғри ўсиши ва соғлом ривожланиши, гўдакларда учрайдиган касалликларни ўрганиш ҳамда олдини олишга ихтисослашган мазкур соҳа юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида алоҳида ўринга эга. Чунки бу, энг аввало, мамлакатимизда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом насл ҳамда генафондни шакллантириш, умуман, баркамол авлодни вояга етказиш каби давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор вазифалар ижроси билан боғлиқ.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум қилишича, ҳар йили 15 миллион бола — тахминан ҳар ўнинчи гўдак вақтидан илгари тўғилмоқда. Бу эса уларнинг одатдагидан энгил вазн билан дунёга келишига сабаб бўляпти, чақалоқларда ички аъзоларнинг секин ривожланиши, тўғма нафас қисими каби касалликлар учраяпти. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, барвақт дунёга келган болаларни махсус дастур асосида парвариш қилиш ва шу орқали уларни ҳаётга қайтариш эса неонатологлар зиммасида. Шифокор — неонатолог Дилфуза Маҳмудова билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

Она ўз танасида яна бир юрак уриб турганини ҳис қилдим, ўша заҳотиёқ уни ташқи муҳитдан ҳимоя қилиши, ўзини касалликлардан асраши лозим. Аслида, фарзанд саломатлиги учун нафақат она, балки ота ҳам бирдек масъул. Ҳомилаларлик даврида аёлни турли стресслардан сақлаш, асабийлашишига йўл қўймаслик, овқатлини рақсонини тўғри ташкил қилиш ва дам олиши учун шартин яратиш ҳам асосий вазифалардан ҳисобланади. Энг ававало, она овқатларида маълум қондаларга амал қилиши зарур. Гўдак яхши ўсиши учун кундалик таомномага витаминга бой маҳсулотлар, яъни, углеводли овқатлар, оксил тақчиллигига барҳам берадиган товуқ, балиқ, дуккакли ўсимликлар, таркибида калций моддаси мавжуд сут, пишлок, қатқ сингари егуликлар албатта киритилиши керак. Кўпчилик аёллар кофе ва бошқа бир қатор газли ширин ичимликларни севиб истеъмол қилади. Уларнинг ҳомилага салбий таъсири исботланмаган



У-а олган сураб.

бўлса-да, таркибида кофеин моддаси мавжуд. Кунига 300 миллиграммдан кўп кофеин истеъмол қилиш эса бола тушиши, вазни энгил бўлиши ёки жуда катта бўлиб тўғилишига олиб келиши мумкин. Шу боис ҳомилаларлик вақтида бу маҳсулотлар истеъмол қилишдан имкон қадар тийилган маъқул. Бундан ташқари, аёлнинг гўзал нарсаларни кузатиши, табиат кўйида дам олиши, сокин муҳитда тингласи ҳомила тўғри ва соғлом ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

— Янги тўғилган чақалоқлар саломатлиги билан шуғулланиш катта машаққат ва масъулият талаб этади. Неонатолог гўдакларни ташқи муҳитга мослаштиришга кўмаклашишдан ташқари яна қандай вазифаларни бажаради? — Неонатолог ўта синчков ва зийрак бўлиши лозим. Бола парваришида онага дастлаб кўпчилик аёллар товуқ, балиқ, дуккакли ўсимликлар, таркибида калций моддаси мавжуд сут, пишлок, қатқ сингари егуликлар албатта киритилиши керак. Кўпчилик аёллар кофе ва бошқа бир қатор газли ширин ичимликларни севиб истеъмол қилади. Уларнинг ҳомилага салбий таъсири исботланмаган

ларнинг олдини олиш, терисини парваришлаш, тана иссиқлигини белгиланган меъёрга ушлаб туриш неонатолог зиммасидаги асосий вазифалар сирасига қиради. Биз нафақат болани атрофга мослаштирамиз, балки ота-онани ҳам бола парваришига тайёрлаймиз. Бугунги кунда юртимиз шифохоналарида неонатолог ва ота-оналар хонаси ташкил этилмоқда. Она ва бола туғруқхонадан чиққанидан кейин ҳам гўдак организмда муайян салбий ўзгаришлар рўй берганда неонатолог маънавий ёрдам беради. — Айтингчи, боланинг турма нуқсонлар, турли хасталиклар билан дунёга келишининг олдини олиш чоралари борми? — Афсуски, баъзи ҳолларда чақалоқларнинг тўғма юрак касалликлари, таянч тизими ва марказий нерв соҳадаги нуқсонлар билан тўғилиши — кузатиш мумкин. Бундай вазиятда аёллар зудлик билан тиббий текширувдан ўтиши шарт. Агар ҳомила ривожланишида салбий белгилар намойён бўлса, дарҳол олдини олиш зарур. Бу борада неонатологлар ўқув муассасалари, шифохоналар, оилавий поликлиникалар, айниқса, маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириши керак.

— Ҳар жиҳатдан соғлом фарзандни дунёга келтириш учун ёш оналарга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз? — Бугун соғлом болани вояга етказишга ота-оналардан ҳам кўра кўпроқ давлатимиз, Президентимиз ғамхўрлик кўрсатапти, десам ҳеч муболага бўлмайди. Буни юртимизда соғлиқни сақлаш тизимига катта-катта маблағлар ажратилаётгани, барча вилоятларда она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказларининг фаолият кўрсатаётгани, ҳомилалар доирасида зарур поливитамиинлар билан таъминлангани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай шароитни дунёдаги кўпмаккам мамлакатлардаги аёллар орзу қилади. Шундай экан, бўлажак ота-оналар соғлом насл нафақат бир оиланинг бахти, қувончи, балки бутун мамлакат толеъи билан боғлиқ эканлигини чуқур ҳис қилиши, энг аввало, оилада яхши муҳитни шакллантириш ва соғлом турмуш тарзига амал қилиши лозим. Ёш оналар ўзлари ва фарзандлари саломатлиги ҳақида қайғуриши, вақтида тиббий кўриқдан ўтиши, энг асосийси, ўз саломатлигига бефарқ бўлмаслиги зарур. Фақат шундагина юртимизда соғлом фарзандлар тўғилди, соғлом авлод камол топади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси Умида МУХТОРБЕКОВА суҳбатлашди.

2014 йил — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Маҳаллада янги спорт мажмуаси

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда Шўрчи туманида 50 дан ортқ ишлаб чиқариш объектлари, кўпмаккам маданий-маиший иншоотларни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.



Яқинда тумандаги Бобур маҳалласида қад ростлаган замонавий спорт мажмуаси ана шулар жумласидандир. Маскандан ёшлар спортинг энгил атлетика, баскетбол, волейбол, мини футбол турлари билан шуғулланишлари мумкин. — Бу ерга замонавий, жаҳон талабларига жавоб берадиган спорт анжумлари келтирилди, — дейди мажмуа раҳбари, ЎзХДП фаоли Сайёра Абрайкулова. — Тажрибали устоз-мураббийларни ишга жалб қилдик. Мажмуада нафақат қишлоқ ёшлари, қозаверса хотин-қизларимиз ҳам ўз соғлигини мустаҳкамлашлари мумкин. Қишлоқда шундай мухташам спорт иншоотининг қурилишидан қўзланган асосий мақсад аҳолининг, хусусан, ёш авлодининг жисмонан бақувват, иродали ва соғлом, бир сўз билан айтганда, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашдир.

Абдумалик Ҳайдаров, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

СПОРТ

Паралимпия

Наманганда Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси, Наманган вилояти ҳокимлиги ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида жисмоний имконияти чекланган ёшларни спорт тадбирлари орқали ҳаётда фаол бўлишини таъминлаш мақсадида спартакиада ташкил этилди. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 200 нафарга яқин паралимпиячи иштирок этди. «Баркамол авлод» спорт мажмуасида ўтган мусоба-

қада иштирокчилар спортнинг энгил атлетика, сузиш ва пауэрлифтинг турлари бўйича голиблик учун баҳсланди. Умумжамоа ҳисобида Сурхондарё вилояти ёшлари биринчи, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари жамоалари иккинчи ва Андижон вилояти вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

Ходим ишга тикланди, иш ҳақи ундирилди

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифа ҳисобланади. Бу борада Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

маънавий зарар ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига даъво ариза киритилди. Суд қарорига асосан Х.Раҳмоновнинг ҳисобидан фуқаро Ж.Чориевнинг фойдасига бекор юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш белгиланди.

Фуқаро Ли Людмила Климовна бошқармага ёзган шикоятда маълум қилишича, уй-жой сотиб олиш учун ОАТБ «Турон банк» Сурхондарё вилоят филиалига олдидан 40 000 000 сўм тўлаган бўлишига қарамай, банк томонидан ҳозиргача ипотека шартномаси тузилмай келган. Шикоят ўрганилди. ОАТБ «Турон банк» Сурхондарё вилоят филиалидан фуқаро Л.Лининг фойдасига 1 725 000 сўм пеня ундириш ҳамда филиал зиммасига фуқаро Л.Ли билан 2 хонали уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредити ажратиш тўғрисида шартнома тузиш мажбуриятини оқлаш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига даъво ариза киритилди.

Суд даъвои тўлиқ қаноатлантирди. Ҳар бир мурожаат ортида инсон, унинг ҳақ-хуқуқи ётибди. Юртимизда шакланган ҳуқуқ тизими ҳар бир фуқаронинг манфаати тўлақонли ҳимоя қилинишини талаб этади. Зеро, мустақиллик, аввало, ҳуқуқ, инсон манфаатларининг устуворлиги деганидир.

Дилшод Ҳақимов, Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси Ишон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси.

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази

2014 йил 20 ва 21 июнда матбуотда («Халқ сўзи», 119-сон, «Народное слово» 120-сон) чоп этилган 2014 йилда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун компьютер техникалари, ўқув ишлаб чиқариш устaxonалари учун ускуна ва дастохлар ҳамда фан хоналари учун мебель жиҳоз-

ларини харид қилиш ва таълим муассасаларига ўрнатилиш бўйича тендер савдолари оғзаки шартнома асосида ўтказиш тўғрисидаги эълонга мувофиқ куйидаги лотлар бўйича тендер таклифларини тақдим этиш мuddатини жорий йилнинг 18 августига қадар узайтирилганлигини маълум қилади:

- Лот № 5. Чилангарлик устaxonа жиҳозлари. Лот № 9. Электр монтаж иши устaxonаси. Лот № 14. Пойабзал таъмирлаш устaxonаси. Лот № 16. Дастгоҳларда ишлаш устaxonаси. Лот № 17. Умумжуриш ишлари устaxonаси. Лот № 18. Сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш, таъмирлаш устaxonаси. Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар иши органнинг куйидаги махсус ҳисоб рақамига ҳар бир лот учун алоҳида 600 000 (олти юз минг) сўм миқдорда қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари шарт.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг банк реквизитлари: Молия вазирлиги Фазначилиги х/р: 2340 2000 3001 0000 1010, ш/хв: 4999 10860 26 280 7950 100 028 001 ХККМ Марказий банк БШ бошқармаси, МФО: 00014, ОКОНХ: 92120, ИНН Фазначилик 201 122 919, ИНН ЎМҚХТ Маркази 202 515 618 100095, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, 96-ўй. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази. Тел: (8-371) 246-12-40; Факс: (8-371) 246-12-74. E-mail: sspo_tamino@markaz.uz Шунингдек, қўшимча маълумотларни, жумладан харид қилинаётган махсулотларнинг энг юқори нархлари ҳақидаги қўшимча маълумотларни Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг www.markaz.uz сайтидан олиш мумкин. Тендер таклифлари Тендер комиссиясининг Ишчи органига (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2014 йил 18 август соат 18:00 дан кечиктирмасдан тақдим этилиши лозим.

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek, MUSTAFOYEV, Muslihidin, MUHIDDINOV, Ochiilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV, Tat'yana KISTANOVA

Qabulxonа — 233-65-45. Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56. E-mail: info@uzbekistonovozi.uz. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 860, 11440 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220, t — Tijorat materiallari, O'ZA yakuni — 21.10, Topshirilgan vaqti — 23.50. Sotuvda kelishilgan narxda.

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV. Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV. ISSN 2010-7633. 1 2 3 4 5